



МАЛАЙ АДАБИЁТИДАГИ “БАХТИЁР ҲАҚИДА ҚИССАЛАР” АСАРИДАГИ ҚЎШИМЧА ҲИКОЯТЛАРНИНГ МАНБАЛАРИ ХУСУСИДА

Беккулов Эркин

ТДШУ ЖЖШОТ кафедраси ўқитувчиси (малай тили)

АННОТАЦИЯ

Уибу ишда Малай адабиётидаги бадиий жанрларнинг ёзилиши ва уларнинг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтамиз. Қадимги ва ўрта аср Шарқида бадиий насрнинг энг кўп тарқалган жанрларидан бири қутчаланган қисса¹ ҳисобланади. Мазкур жанрдаги асарлар ўзига хос тўпламларни намоён этиб, уларда ташкилий композицион асос қутчаланган ҳикоятларнинг мавжудлиги ҳисобланади.

Калит сўзлар: “Бахтиёр ҳақида қиссалар”, “Панчантантра”, “Бешлик”, “Шукасантати”, Ибн ал-Мукаффа, “Калила ва Димна”.

АННОТАЦИЯ

В этой работе мы сосредоточимся на написании литературных жанров в малайской литературе и их важности сегодня. Одним из наиболее распространенных жанров художественной прозы на древнем и средневековом Востоке является рассказ. Произведения этого жанра представляют собой уникальные сборники, организационно-композиционной основой которых является существование переплетенных сюжетов.

Ключевые слова: «Рассказы о Бахтияре», «Панчантантра», «Пятерка», «Шукасантати», Ибн ал-Мукаффа, «Калила и Димна».

КИРИШ

Малай адабиётидаги қутчаланган ҳикоятларнинг бир ёки бир нечта персонажлар қизиқарли ёки тарбиявий аҳамиятга эга ўзига хос эртаклар (сехрли ва ҳажвий), ҳикоялар, матал ва масалларни сўзлаб берадилар. Мазкур жанрнинг илк, жуда кўп тақлид қилинган намуналари мумтоз санскрит адабиётида пайдо бўлган. Уларга “Панчантантра” (“Беш асар” ёки “Бешлик”), “Веталапанчавиншати” (“Веталнинг йигирма беш ҳикояси”), “Шукасантати” (“Тўтининг етмишта ҳикояси”) ва ҳаказолар киради².

“Панчантантра”нинг арабча таржимаси VII асрда Ибн ал-Мукаффа томонидан ўрта форс тилидаги ва бизгача етиб келмаган нусҳаси орқали амалга

¹ Кутчаланган қисса –обрамленный повесть

² Гринцер П.А. Дрінвнейндийская проза (обрамленная повесть). – Москва. 1963. –Б: 8.

оширилган “Калила ва Димна” номи билан машхур. Бу асарнинг форсча таржимаси XII асрнинг биринчи ярмида Низомиддин Абул-Мсалий Насруллохон томонидан амалга оширилган³ бўлиб, бу таржималар санскритдаги қутчаланганд ҳикоятларни бошқа тилларда қайта ишланган шаклларини ҳамда бу тилларда мазкур жанрдаги оригинал асарларни пайдо бўлишига замин яратди. Шу туфайли XII асрга келиб мустақил силсила сифатида расмий ҳолга келтирилган форс тилидаги “Синдбоднома ёки етти вазир ҳақида ҳикоя”⁴, “Баҳтиёрнома ёки ўнта вазир ҳақида ҳикоя”⁵, “Тўтинома” ёки “Тўти китоби” (хинд “Шукасантати”нинг форсий қайта ишлагани)⁶ ва ниҳоят, тадқиқотчилар бир қанча аралаш-куралаш манбалардан, яъни хинд-эроний “Ҳезор афсан” (“Мингта ҳикоя”)⁷ ва X–XIV асрлардаги бағдод ва миср фольклори⁸ ва ҳаказоларни олган араб эртаклари тўплами “1001 кеча” каби асарлар кенг кўламда машхур бўлиб кетди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Қутчаланганд қисса жанридаги асарларни шартли равишда икки гурухга ажратиш мумкин. Биринчи гурухга дастлабкиларига қўшимча тарзда қўшилган ҳикоятлар киритилган ва сарлавҳаси ҳам ўзгартирилган асарлар, масалан, “Етти вазир ҳақида ҳикоя”, “Веталнинг йигирма беш ҳикояси”, “Тўтининг етмишта ҳикояси” кабилар бўлиб, улардаги қўшимча ҳикоятлар маълум композицион қатор ва анча турғун тартибга эга. Иккинчи гурухдаги асарларга қўшимча ҳикоятлар тўпламида уни тузувчи муаллифнинг имконияти ва хоҳишига мувофиқ тарзда эркин берилади. Кўпинча иккинчи гурухга тегишли асарлар қандайдир турли-туман ривоятлар, эртаклар, афсоналар, диний маталлар, масаллар ва ҳакозолардан иборат универсал тўпламлар сифатида намоён бўлади. Улар генетик, босқичли-типологик ва жанр жиҳатидан жуда турли-тумандир. Мазкур гурухга энг аввало “1001 кеча” силсиласидаги эртаклар киради⁹.

³ Калила и Димна. Пер. И.Ю. Крачковского и И.П.Кузьмина. -Москва. 1957. –Б: 7-10.

⁴ Ас-Самаркди Мухаммад ат-Захири. Синдбад-наме. Пер. Н.О. Османова под редакцией А.А. Старикова. – Москва. 1960. –Б: 5-12.

⁵ Дакаики. У слада душ или Бахтияр-наме. Пер.примеч., глосс.и послесл. М.Н.О. Османова. –Москва. 1977.-Б: 163.

⁶ Нахшаби Зийа-ад-Дин. Книга попугая (Тути-наме). –Москва. 1979.

⁷ Ас-Самаркди Мухаммад ат-Захири. Синдбад-наме. Пер. Н.О. Османова под редакцией А.А. Старикова. – Москва. 1960. –Б: 8.

⁸ Герхардт М. Искусство повествование.Литературное исследование «1001 ночи». – Москва. 1984; Книга тысячи и одной ночи. Пер. М.А.Салье. Т.1-8. –Москва. 1958-1959.

⁹ Герхардт М. Искусство повествование.Литературное исследование «1001 ночи». – Москва. 1984.-Б: 440.

Малай адабиётига қутчаланган қисса мусулмон маданияти тўлқини таъсирида кириб келди ва бу жанрдаги Яқин Шарқнинг машҳур асарлари бошқача тарзда ва қайта ишлаш орқали намоён этилди. Улар “Калила ва Димна ҳақида қисса” (“Ҳикоят Калила дан Дамина”), “Доно тўти ҳақида қисса” (“Ҳикоят Байан Будиман”) ҳамда “Баҳтиёр ҳақида қисса” (“Ҳикоят Баҳтиёр”)нинг бир қанча нақллариридир.

“Баҳтиёр ҳақида қисса” деб номланишидан кўриниб турибдики, бу асар форсийдаги кенг кўламда машҳур бўлган асл манба “Баҳтиёрнома”нинг намунаси ҳисобланади¹⁰.

Малай адабиётида “Баҳтиёр ҳақида қиссалар” асаридаги қутчаланган ҳикоятлар форсларнинг “Баҳтиёрнома”сидаги қутчаланган ҳикоятлар билан маълум бир юзаки ўхшашликка эга бўлиб, бу ўхшашлик асарлардаги қўшимча ҳикоятлар сони билан боғлиқдир. Асарнинг малай нусхасида қўшимча ҳикоятлар сони кўпроқ ва “Баҳтиёрнома”даги қўшимча ҳикоятлардан ўз мазмунига кўра фарқ қиласди.

Форсийдаги асл манба намунасига яқин бўлган малайликларнинг “Баҳтиёр ҳақида қиссалар” асарининг номаълум компилятор (терма асар, бошқа асарлардан териб олинган муаллифлари)лари мавжуд бўлиб, жуда қулай сюжет доирасидаги баъзи умумий воқеаларнинг ўз танлови асосида тўплаб композицион безак воситаси сифатида фойдаланганлигидан далолат беради. Чунончи, ҳозирги вақтга қадар бу асарнинг асл манба намунаси у ёки бу маданий анъаналарга эга бўлган бошқа давлатлар адабиётида бир бутун ягона нақл (бунда ҳар бир алоҳида қўшимча ҳикоятларнинг асл манба намуналари назарда тутиляпди) сифатида ҳали топилмаган. Бизнинг фикримизча, “Баҳтиёр ҳақида қиссалар” асари малай мұхитида пайдо бўлганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас.

“Баҳтиёр ҳақида қиссалар” асаридаги қўшимча ҳикоятларнинг асосий манбаларидан бири – форсларнинг “Тўтинома”си таъсирида ёзилган¹¹ малайликларнинг “Доно тўти ҳақида қисса” (“Ҳикоят Байан Будиман”)си ҳисобланади. “Тўти” силсиласидаги 25та ҳикоятдан 18таси бу асарда учрайди. Чунончи, Рэффлза парчасининг 31 ва 37 ҳикоятлари мазмuni бизга номаълум бўлганлиги учун ҳам бир-бирига тўғри келадиган ҳикоятлар сони ундан ҳам кўп бўлиши мумкин. Шуниси ҳам аҳамиятга моликки, Рэффлза парчаларида

¹⁰ Бу ҳақида қаранг: Дакаики. У слада душ или Баҳтияр-наме. Пер.примеч., глосс.и послесл. М.Н.О. Османова. – Москва. 1977.-Б: 164.

¹¹ Hikayat Bajan. Budiman. Djakarta. 1956.

“Тўти” силсиласидаги ўзлаштирилган ҳикоятлар кетма-кет келиб, қўшимча ҳикоятларнинг ўзига хос асосий ядроини ташкил қиласди.

Эҳтимол, XVI аср ўрталарида яратилган¹² “Доно тўти ҳақидаги қисса” “кундалик ва давлат ақл-заковатининг асл энциклопедияси”¹³ ҳисобланар, чунки унда мароқли шаклда китобхонга хилма-хил парду насиҳатлар берилган. Ҳар куни кечки пайт ёш соҳибасига (ўз соҳибасини эрига ҳиёнат қилишдан сақлаш мақсадида айтилган) тўти томонидан айтиб берилган ҳар бир ҳикоят “Шунинг учун ҳам ота-она хоҳишига бўйсуниш керак”, “Инсон ўзининг яхши ишлари учун шундай мукофот олади”, “Ўз соҳибига ҳиёнат қилдаганлар мана шундай тақдирга дучор бўладилар” каби панду-насиҳатлар билан тугалланади. Малай адабиётининг энг қизиқ ва бадиий жиҳатдан мукаммал намуналаридан бирини намоён этган адаба¹⁴ “Доно тўти ҳақидаги қисса” малайликлар орасида жуда машҳур бўлган бўлиб, бунга мазкур ёдгорликнинг жуда кўп миқдорда сақланиб қолган қўлёзмалари гувоҳлик беради¹⁵.

“Бахтиёр ҳақидаги қиссалар” асаридаги қўшимча ҳикоятларига иккинчи манба – машҳур “Тож ас-Салатин” (“Подшоҳлар тожи”) номли малай панду насиҳати хизмат қилган бўлиб, у 1603 йилда ёзилган ва Бухорий ал-Жавхарий қаламига мансубдир¹⁶. Ҳозирги даврга қадар бу ёдгорлик бирон бир форсий панду насиҳатни ёки компиляцияни таржимасими йўқми маълум эмас¹⁷. “Подшоҳлар тожи” қатор композицион тизимга эга бўлиб, панду насиҳат мазмунидаги 24 бобга бўлинган. Уларнинг ҳар бирида мавзуга асосланган ҳолда Қуръондан (баъзида Ҳадисдан) оятлар келтирилган. Унинг диний-фалсафий шарҳларга эга ҳолати ҳамда бадиий-сюжет шарҳлари мatal шаклида берилган бўлиб, матнда “ҳикоят” сўзи билан белгиланган. Мазкур боблардаги бу ҳикоятлар узун нақлни тайёрлашда қўшимча ҳикоятлар манбаидан бири бўлиб хизмат қилган¹⁸.

“Бахтиёр ҳақидаги қиссалар”даги қўшимча сюжетларнинг учинчи муҳим манбай – малай тилида ёзилган энг катта асар – шайх Нуруддин ар-Ранирийнинг “Бўстон ас-Салатин” (“Подшоҳлар бўстони”)(боғи) панду насиҳати бўлиб, бу асар 1638 йилда ёзила бошлаган. Мазкур асар еттига

¹² Винстедт Р.О. Путешествие через полмиллиона страниц. История малайской классической литературы. Предес. пер.. и примеч. Б.Б. Парникля. –Москва. 1966. –Б: 40.

¹³ Брагинский В.И. История малайской литературы VII-XIX веков. –Москва. 1983. –Б: 309.

¹⁴ Очерки истории арабской культуры V-XV веков. –Москва. 1982. –Б: 228-229.

¹⁵ Hikajat Bajan. Budiman. Djakarta. 1956. –Б: 3-4.

¹⁶ Khalid Hussan. Taj as-Salatin. Kuala Lumpur/ 1966.

¹⁷ Брагинский В.И. История малайской литературы VII-XIX веков. –Москва. 1983. –Б: 313-314.

¹⁸ Горяева Л.В. Обрамленные повести о Бахтиаре в малайской литературе. Повесть о Бахтиаре. –Москва. 1989. –Б:10.

бўлимдан иборат, бироқ бу еттига бўлимнинг барчасининг мазмуни келтирилган қўлёзмаси сақланмаган. Ҳозирги вақтга қадар турли-туман тематик хислатга эга бўлган, бутун жаҳон тарихини ўзида мужассам этган, дунёнинг пайдо бўлиши, Одам Ато ва ҳозирги воқеаларнинг муаллифлари ҳақида ривоятлар келтирилган бу нодир асар, яъни “Подшоҳлар бўстони”нинг тўлиқ матнининг нашри амалга оширилмаган. “Подшоҳлар бўстони” асарида саховатли подшоҳларга панду насиҳат, турли-туман илмий маълумотлар, фалсафий фикрлар, тиббий маслаҳатлар, кўрсатмалар ва ҳаказолар берилган¹⁹. Мазкур асар матнининг, ҳеч бўлмаган тўлиқ баёнининг йўқлиги туфайли биз баъзи тадқиқотчиларнинг бу асарнинг узун нақл билан боғлиқлиги, “Подшоҳлар бўстони”да келтирилган у ёки бу сюжетларга қилинган баъзи ишоралар билангина чекланишимиз мумкин.

“Подшоҳлар бўстони” ва “Подшоҳлар тожи” панду насиҳатларидан ўзлаштирилган ҳикоятлар сони биринчи асардан тўрттадан кам эмас ва иккинчи асардан ўн биттаси ўзлаштирилган. “Баҳтиёр ҳақидаги қиссалар” асарининг турли нашрларини “Подшоҳлар бўстони”нинг тўлиқ матни ва “Подшоҳлар тожи”нинг турли нашрлари билан таққослаш бу рўйхатни янада кенгайтириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлиши шубҳасиз.

“Баҳтиёр ҳақидаги қиссалар” асаридаги қатор қўшимча ҳикоятлар бевосита ёки бошқа манбалар воситасида пайдо бўлган бўлиб, “1001 кеча”нинг афсонавий силсиласида биз кўрган нашрларда улардан саккизтаси мавжуд. Баъзи ҳолатларда “1001 кеча”дан ўзлаштирилган Нуруддин ар-Ранийнинг “Подшоҳлар бўстони” тўрт ҳикоятдан иккитаси оралиқ манба сифатида келиши ҳам истисно эмас.

Айтиб ўтилган барча қўшимча ҳикоятларнинг манбаларини (бевосита ёки билвосита) аниқлаш жуда машаққатли иш бўлиб, уни аниқлаш учун қўпгина кам ўрганилган ва биз учун номаълум бўлган матнларга мурожаат этишни тақазо этади. Шунга қарамасдан, биз қўриб чиқаётган “Баҳтиёр ҳақидаги қиссалар” асарининг рўйхатини тахминан учдан икки қўшимча ҳикоятлари орқали аниқ фикр айтиш мумкин. Шуни таъкидлаш жоизки, “Баҳтиёр ҳақидаги қиссалар” муаллифи анча яхши билимга эга бўлган малайазиялик бўлиб, у XVI аср иккинчи ярми – XVII аср биринчи ярмидаги учта машҳур малай панду насиҳат асарларидан асосий асл манба сифатида фойдалана олган.

¹⁹ Винстедт Р.О. Путешествие через полмиллиона страниц. История малайской классической литературы. Предес. пер.. и примеч. Б.Б. Парникля. –Москва. 1966. –Б: 170-172.

Шуниси диққатга сазоварки, “Баҳтиёр ҳақидаги қиссалар” асаридаги қўшимча ҳикоятлар маълум бир жиҳатдан гурухларга бўлинади. Масалан, Рэфғлза парчаларининг аксарият барча 15-29 рақамли ҳикоятлари ва калантан матнларининг 18-27 рақамли ҳикоятлари “Доно тўти ҳақида қисса”дан келиб чиққан. Калантан қўлёзмасининг тахминан дастлабки ўндан ортиқ ҳикоятлари ва Рэфғлза парчаларининг аксарияти “Подшоҳлар тожи” панду насиҳатидан манба олган. Ниҳоят, Брандес парчаларининг 39-67 рақамли ҳикоятлари – биринчидан, улар баллетиристик жиҳатдан маслаҳат ва панду насиҳат (45-50) билан берилмай асосан мусулмон уламоларнинг сўзларига ишора билан ёзилган, иккинчидан, панду насиҳат ҳикоятлар фольклордан келиб чиққан (53-54), учинчидан, турли-туман ривоятларнинг қаҳрамонлари сифатида ўрта асрнинг афсонавий шахслари (бу зиёратчи, атири-упа савдогари ва Адуда ад-Давла – 41, пул топиш қийинчиликлари, Умар ва Али – 44, саховатли Абу Зарра – 47, Абдул Ҳаққа ва абиссинлик қул -52, Хажажа ибн Юсуфнинг ажралиши – 55, подшоҳ Ардашир ва Хадра маликаси – 61) ҳақидаги ҳиткоятлардир. Подшоҳ Ардашир ва Хадра маликаси ҳикояти илк исломни машҳур тарғиботчилари ривояти бўлиб, “1001 кечा”да учрайди²⁰. Мазкур тўпламга билвосита Харун ар-Рашид (53-54), унинг ўғли ал-Амин ва жияни Жафар ибн Мусо (58), Буюк Александр (65) ҳақидаги ҳикоятлар ҳамда буларга 66-67 рақамли ҳикоятлар ҳам қўшилиб, уларда ҳам дунёвий ҳаётнинг чириклиги ҳақида фикрлар билдирилади, бироқ уларда асосий қаҳрамонлар бошқалардир.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, “Баҳтиёр ҳақидаги қиссалар” асаридаги қўшимча ҳикоятлар ўз манбаларига кўра етарли даражада аниқ гурухларга бўлинади ва ушбу асар уч қисмга, уч ўзига хос “маданий қатlam”га бўлинади: биринчиси (хронологик эмас, балки ўз тартиб рақами бўйича) – “Подшоҳлар тожи” ва “Подшоҳлар бўстони” қатлами, иккинчиси – “Доно тўти ҳақидаги қиссалар” ва учинчиси – муаллифи қайси манбадан олгани номаълум бўлган араб ривоятлари қатlamга бўлинади.

REFERENCES

1. Ас-Самарканди Мухаммад ат-Захири. Синдбад-наме. Пер. Н.О. Османова под редакцией А.А. Старикова. –Москва. 1960.

²⁰ Горяева Л.В. Обрамленные повести о Бахтиаре в малайской литературе. Повесть о Бахтиаре. –Москва. 1989. – Б: 12.

2. Брагинский В.И. История малайской литературы VII-XIX веков. –Москва. 1983.
3. Винстедт Р.О. Путешествие через полмиллиона страниц. История малайской классической литературы. Предес. пер.. и примеч. Б.Б. Парникля. – Москва. 1966.
4. Герхардт М. Искусство повествование. Литературное исследование «1001 ночи». – Москва. 1984.
5. Горяева Л.В. Обрамленные повести о Бахтиаре в малайской литературе. Повесть о Бахтиаре. –Москва. 1989.
6. Гринцер П.А. Дривнеиндийская проза (обрамленная повесть). – Москва. 1963.
7. Дакаики. У слада душ или Бахтияр-наме. Пер.примеч., глосс.и послесл. М.Н.О. Османова. –Москва. 1977.
8. Калила и Димна. Пер. И.Ю. Крачковского и И.П.Кузьмина. -Москва. 1957.
9. Нахшаби Зийа-ад-Дин. Книга попугая (Тути-наме). –Москва. 1979.
10. Очерки истории арабской культуры V-XV веков. –Москва. 1982.
11. Hikajat Bajan. Budiman. Djakarta. 1956.
12. Khalid Hussan. Taj as-Salatin. Kuala Lumpur. 1966.